# SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

# Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

3-son (4- jild)
2024

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SPR1342V4I3Y2024

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

***№ 3 (4) - 2024***

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

### ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**ТОШКЕНТ-2024**

**БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймахамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

*08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалохонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

*09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

*10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

*12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

*13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

*19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

*22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

*23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

**ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).

***МУНДАРИЖА***

## 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ


*Hamroyev Asliddin Umed o'g'li*
"GULSHANUL MULUK" ("SHOHLAR GULSHANI") ASARI – MANG'ITLAR HUKMRONLIGI DAVRI MUARRIXLIGI NAMUNASI ........ 13-18

*Bazarbayeva Shohsanam Muratovna*
SIRDARYO VILOYATIDA VETERINARIYA SOHASIGA OID ISLOHOTLAR (XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARI) ........ 19-23

*Asadova Dilnoza Innatovna*
O'ZBEKISTONDA RAQS SAN'ATI SOHASIDA KADLAR TAYYORLASH MASALASI TARIXI VA BUGUNI ........ 24-28

*Ҳайитов Умед Яҳёевич*
ЎЗБЕКИСТОН ССР МУВАҚҚАТ ИНҚИЛОБИЙ ҚЎМИТАСИ (МАРКАЗИЙ РЕВКОМ)НИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА ФАОЛИЯТИ ........ 29-34

*Омонова Сарвиноз Ориф қизи*
ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ДАВРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ ҲОЛАТИ... 35-42


## 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ


*Алимханова Нигора Алимхановна*
ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ........ 43-52

*Mahmudova Dilafruz Hasanovna*
KORPORATIV BOSHQARUVNING AYRIM NAZARIY JIHATLARI ........ 53-60

*Toxirov Akbarxon Toirxon o'g'li*
SANOAT KORXONALARIDA IQTISODIY XAVFSIZLIKNING EKONOMETRIK MODELLASHTIRISH ........ 61-69

*Мехмоналиев Улугбек Эркинжон угли*
СУЩНОСТЬ ОРГАНИЗАЦИИ СЛУЖБЫ ВНУТРЕННЕГО АУДИТА НА ПРЕДПРИЯТИЯХ . 70-75

*Паязов Мурод Максудович*
"ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ" АЖДА ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕТОДИКАСИ ........ 76-86

*Шадибекова Дилдор Абдурахмановна*
ЛОГИСТИЧЕСКИЙ РЫНОК УЗБЕКИСТАНА И ПРОБЛЕМЫ ЕГО РАЗВИТИЯ ........ 87-92

*Malikova Dilrabo, Khudoiberdieva Maftunabonu*
INNOVATIVE HR MANAGEMENT: NECESSITY AND METHODS OF APPLICATION ........ 93-99

*Мамажонова Одинахон Алишер қизи*
КОРХОНАЛАР БОШҚАРУВИДА ИННОВАЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ........ 100-106

*Nozimov Eldor Anvarovich*
ELEKTRON TIJORATNI RIVOJLANISHDA O'ZBEKISTON VA XORIJIY DAVLATLARNING O'RNI ........ 107-115

*Буранова Жазира Эргаш қизи*
ВЛИЯНИЕ ЦИФРОВИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ НА ИНКЛЮЗИВНЫЙ РОСТ ГОСУДАРСТВА ........ 116-120

*Худойназаров Фахритдин Хаитович*
КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ ........ 121-127

*Бахтиёров Бобур Баходир ўғли*
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА БАНК ЛИКВИДЛИЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ ........ 128-136

*Isomitdinova Gulbaxor Kurbonaliyevna*
O‘ZBEKISTON SHAROITIDA INVESTITSIYA RISKLARINI BOSHQARISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH ........ 137-145

*Yuldashev Shadiyor Shuxrat o'g'li*
OLIY TA'LIM O'QUV JARAYONLARIDA ZAMONAVIY VEB TEXNOLOGIYALARI INTEGRATSIYASI ........ 146-150

*Baxtiyorov Asrorbek Azizjon o‘g‘li*
TIJORAT BANKINING KREDIT SIYOSATI ASOSLARI, UNING IQTISODIY MOHIYATI ........ 151-159

*Saidov Shohruh Mirzo*
SOCIO-ECONOMIC ANALYSIS OF CONDITIONS OF DEVELOPMENT OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS ........ 160-169

*Kunduzova Kumrixon Ibragimovna*
IQTISODIY RIVOJLANISHNING HOZIRGI BOSQICHIDA XO‘JALIK YURITUVCHI SUBYEKTLAR FAOLIYATIDAGI JORIY AKTIVLAR TUSHUNCHASI VA UNING O‘RNI ........ 170-177

*Inomjon Matkarimov*
AGROKIMYO BIOKIMYO XIZMATLARI IJTIMOIY IQTISODIY SAMARADORLIGINI TA’MINLASHNING SWOT TAHLILI ........ 178-183

***09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ***

*G‘aybullayev Otabek Mixammadiyevich*
JAMIYATDA ESTETIK MADANIYAT RIVOJLANISHINING FALSAFIY ASOSLARI ........ 184-189

*Masharipova Gularam Kamilovna*
MAHMUD IBN MUHAMMAD IBN UMAR AL-CHAG‘MINIYNING «AL-MULAXXAS FI-L-HAY’A» RISOLASINING NUSXALARI VA QOZIZODA RUMIYNING SHARHI ........ 190-198

*Абдуллаханова Гулбахор Саттаровна*
ФИЛОСОФСКИЕ ВЗГЛЯДЫ ИБН СИНО И ИХ РОЛЬ В УКРЕПЛЕНИИ ДУХОВНО-ЦЕННОСТНЫХ ОСНОВ СОВРЕМЕННОГО РАЗВИТИЯ ЦИВИЛИЗАЦИИ ........ 199-206

*Urinov Xushnudjon Abdulomitovich*
TA’LIM VA KASB-HUNAR ISLOHOTLARI GENEZISI: KASBIY FAOLIYAT VA MEHNATGA MUNOSABATNING TARIXIY SHAKLLANISHI ........ 207-220

*Азизқулов Акрам Абдурахмонович*
ШАРҚШУНОС УИЛЬЯМ ЭРСКИН ТАДҚИҚОТЛАРИДА БОБУРИЙЛАР СУЛОЛАСИ ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ ........ 221-227

*Kenjayev Ulug‘bek Muratovich*
BEFARQLIK HAQIDAGI FALSAFIY FIKRLAR RIVOJI ........ 228-232

*G‘aybullayeva Laylo Safarboyevna*
MAHALLADA YOSHLAR SIYOSIY FAOLLIGINI OSHIRISHDA IJTIMOIY-FALSAFIY RIVOJLANISH MASALALARI ........ 233-238

*Xoʻjanova Tamara Joʻraevna*
YOSHLAR MA'NAVIYATIGA TAHDID VA ULARDAN O'ZINI ONGLI HIMOYA QILISH KO'NIKMALARI ........ 239-245

*Jabborova Saodat Sattorovna*
MA'NAVIY SALOHIYATNING IJTIMOIY TARAQQIYOT MANBAI SIFATIDA XUSUSIYATLARI ........ 246-252

*Xusanov Gʻolib Elmurodovich*
OʻZBEK OILALARINING RIVOJLANISHIDA AXLOQIY TAFAKKUR MASALALARI ........ 253-257

*Агзамходжаева Шахноза Саидматмабовна*
МУСУЛЬМАНСКОЕ БОГОСЛОВИЕ, СВЯЩЕННЫЙ КОРАН И ТВОРЧЕСТВО НАВОИ В КОНТЕКСТЕ ФИЛОСОФСКОЙ КОМПАРАТИВИСТИКИ ........ 258-265

*O'razov Bobir Baxtiyorovich*
IJTIMOIY DAVLATNING NAZARIY VA METODOLOGIK ASOSLARI: VUJUDGA KELISH SHARTLARI, BELGILARI VA FUNKSIYALARI ........ 266-270

*Qunishev Ulugʻbek Ulashevich*
NEMIS KLASSIK FALSAFASIDA JAMIYAT RIVOJLANISHIGA TA'SIR ETUVCHI AXLOQIY VA ESTETIK OMILLAR ........ 271-275

*Турдибоев Бозор Худойбердиевич*
ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ТАРИХИЙ ЯХЛИТЛИК НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ СИФАТИДА ........ 276-282

*Kenjayeva Dilrabo Rominovna*
MARKAZIY OSIYO MUTAFAKKIRLARI TA'LIMOTIDA OʻZLIKNI ANGLASH TUSHUNCHASI VA UNING OʻZIGA XOS XUSUSIYATLARI ........ 283-287

*Azamatova Gulrukh Islom qizi*
SOCIOCULTURAL ASPECTS IN KARL POPPER'S PHILOSOPHY IN THE CONTEXT OF MODERN EDUCATION ........ 288-293

*Тошпулатова Ширин Мухиддиновна*
ЭТИЧЕСКИЕ ОРИЕНТИРЫ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ГРАЖДАНСКОЙ СЛУЖБЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ........ 294-302

*Yuldasheva Dilorom Yuldashevna*
SCIENTIFIC ATTITUDE TO CONSCIOUSNESS AND ITS INFLUENCE ON THE FIELD OF EDUCATION ........ 303-307

*Bekchanov Xudoybergan Oʻrinivich, Yusupova Firuza Hajiboy qizi,*
*Yulliyeva Sohiba Shuhrat qizi*
MAKTABGACHA YOSHDAGI KATTA GURUH TARBIYALANUVCHILARDA IJTIMOIY VA KOMMUNIKATIV QOBILYATNING RIVOJLANISHI ........ 308-314

***10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ***

*Ткебучава Ирина Георгиевна*
ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ ФОРМИРОВАНИЯ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ СТУДЕНТОВ ПРИ ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ ........ 315-320

*Ikromxonova Firuza Ikromovna, Jazira Nursultanqizi*
TIPOLOGIK TAHLIL - KOMPOZITSIYA VA JANR (TARIXIY ASARLAR MISOLIDA) ........ 321-327

*Ashurova Maftuna Asqar qizi*
LINGUACULTURAL PECULIARITIES OF THE CONCEPT "HAPPINESS" IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES ........ 328-334

*Mustafayeva Saodat Burxanovna*
SALIM ASHUR SHE'RLARIDA LINGVOMADANIY BIRLIKLAR VOSITASIDA VOQELIKNI BADIIY TALQIN ETISH ........ 335-340

*Abdulxayeva Nodirabegim Ixtiyorjon qizi*
DRAMATIK ASARLARNI TARJIMA QILISHDA LEKSIK-SEMANTIK, LINGVOKULTUROLOGIK MASALALAR ........ 341-346

*Xajiyeva Dilfuza Adambayevna*
FOLKLOR VOSITALARINING ZAMONAVIY ADABIYOTDAGI O'RNI VA O'RGANILISHI ........ 347-351

*Jumanova Sevara Xolmurod qizi*
KIYIM KECHAK NOMLARI TILNING BOYISH MANBAI SIFATIDA ........ 352-356

*Hojaliyev Ismail Tadjibayevich, Ismailova Sayyora Tolkinovna*
MATN NAZARIYASINING SHAKLLANISHI ........ 357-366

*Abdullaev Ulmasbek Khairullayevich*
LITERARY WORKS AS THE MOST IMPORTANT AND WELL-ACCLAIMED COMPONENTS OF THE CULTURAL HERITAGE OF THE NATION ........ 367-370

*Maxmudova Fotima Maqsud qizi*
TYPES OF MEDIA TEXT LANGUAGE ........ 371-375

*Maxmudova Zuhra Maqsud qizi*
BADIIY TARJIMANING TILSHUNOSLIKDAGI AHAMIYATI ........ 376-380

*Davronova Zulfiya Boboyevna*
UZBEK- FRENCH RELATIONS AS A BINDING PART OF INTERNATIONAL CULTURAL AND HISTORICAL EXPERIENCE ........ 381-386

*Hakimova Dilrabo Yo'ldoshovna*
TERMINOLOGIYA SOHASINING TARIXI VA DOLZARB MUAMMOLARI XUSUSIDA ........ 387-392

*Мадрахимов Тулибай Абдукаримович*
СЎЗЛАШУВ НУТҚИНИНГ ТИЛ ФУНКЦИОНАЛ ВАРИАНТЛАРИ ОРАСИДА ТУТГАН ЎРНИ ........ 393-395

***12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР***

*Ergashev Ikrom Abdurasulovich*
SOLIQ INTIZOMINI BUZISH BILAN BOG'LIQ HUQUQBUZARLIKLAR UCHUN JAVOBGARLIKNING AYRIM JIHATLARINING ILMIY-NAZARIY TAHLILI ........ 396-402

*Куатбек Гулнар Куатбековна*
ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ ТРАНСПАРЕНТНОСТИ ПРЕДСТАВИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ МЕСТНОЙ ВЛАСТИ ........ 403-409

*Jurayev Dilmurot Mukhtarovich*
ANALYSIS OF THE LEGISLATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN ON ALTERNATIVE RESOLUTION OF DISPUTES ARISING FROM ADMINISTRATIVE AND PUBLIC LEGAL RELATIONS ........ 410-415

*Mirakhmedova Fazilat Khokim kizi*
CRIMES OF MANUFACTURING AND SELLING PHARMACEUTICALS IN A WAY TO DANGER THE LIVES AND HEALTH OF INDIVIDUALS (Evaluation of Türkiye and Uzbekistan legal system) ........ 416-428

*Касимов Нодиржон Содикжонович*
ҚАСДДАН ОДАМ ЎЛДИРИШ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ УМУМИЙ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ........ 429-438

*Кутыбаева Елизавета Дуйсенбаевна, Есенбаев Джанибек Таирович*
ЭКОЛОГИК ТУСДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ........ 439-445

*Джалилов Сардор Шавкатович*
ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ ВА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ КОДИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ ........ 446-453

***13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ***

*Mirzayev Qodir Toirovich*
ZAMONAVIY XOR SAN'ATI TA'LIMINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI ........ 454-458

*Васильченко Ольга Анатольевна*
ИСТОРИЯ И МЕТОДОЛОГИЯ РАЗВИТИЯ ВОКАЛЬНО-ХОРОВОГО ИСКУССТВА В УЗБЕКИСТАНЕ ........ 459-463

*Эрназаров Алишер Эргашевич, Бекмурадов Зариф Хуррамович*
ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МОДУЛЛИ ВА ЛОЙИҲАЛАШТИРИЛГАН ТУРЛАРИ ҲАМДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ........ 464-470

*Mattiyeva Feruza Begmatdulobovna*
TARJIMONLIK MALAKASINI SHAKLLANTIRISHNING PSIXOLINGVISTIK VA DIDAKTIK XUSUSIYATLARI ........ 471-477

*Jurayev Bobomurod Tojiyevich*
ABU ALI IBN SINO QARASHLARIDA TA’LIM-TARBIYA MASALALARI ........ 478-482

*Umurova Ma’rifat Yoshiyevna*
XALQ QO’SHIQLARI VATANPARVARLIK TUYG'USINI RIVOJLANTIRISH VOSITASI SIFATIDA ........ 483-486

*Raxmanova Dildora Abdulxamid qizi*
INGLIZ TILIDA AKADEMIK YOZUV TUSHUNCHASI VA UNING TALABALAR ILMIY FAOILIYATIDAGI AHAMIYATI ........ 487-492

*Rajabiy Aziz Xasanovich*
VOKAL ARTISTI FAOLIYATIDA SAHNA MAHORATINING O'RNI ........ 493-497

*Omanov Rashid Sherqobilovich*
O‘QUVCHILARDA EKOLOGIK TAFAKKURNI SHAKLLANTIRISH JARAYONLARINI TO‘G‘RI TASHKIL ETISH ........ 498-501

*Салимов Акром Хайитович*
БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ОИЛА, МАҲАЛЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ........ 502-507

*Mamatmurodov Sharofjon Khudoyarovich*
TA’LIM SIFATINI OSHIRISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNING O‘RNI........ 508-514

*Ли Екатерина Владимировна*
СИНЕРГЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ИННОВАЦИЙ И ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ........ 515-523

*Ахмедова Нафиса Исаходжаевна, Азаматов Абдулло Исахўжа ўғли, Лутфуллина Румия Анваровна*
ЁШ ТЕННИСЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ........ 524-533

*Очилова Мехрибон Суратовна, Хамроева Феруза Асроровна*
АНАЛИЗ СОВРЕМЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ПЛАТФОРМ И ИХ КЛАССИФИКАЦИЯ ........ 534-541

*Amonov Mirjon Namozovich*
IJTIMOIY PEDAGOGIK FAOLIYAT VA UNING ASOSIY FUNKSIYALARI ........ 542-547

*Sharipov Habibullo Abduqahhorovich*
TALABALARNING IJODKORLIGINI RIVOJLANTIRISHDA MUSTAQIL TA’LIMNING O’RNI VA AHAMIYATI ........ 548-552

*Yaxiyaxonova Muxiba Maxtudjonovna*
RAQAMLI TA’LIM MUHITIDA BOSHLANG‘ICH SINF O‘QUVCHILARINING IT SAVODXONLIGINI OSHIRISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISH ........ 553-560

*Xakimova Gulshan Abduxalilovna*
JISMONIY TARBIYA VOSITALARI ORQALI YOSH BOLALARNI SIFATLARINI TARBIYALASH ........ 561-565

*Nazarov Rustam Irkinovich*
TECHNOLOGY FOR DEVELOPING COMMUNICATIVE COMPETENCE OF STUDENTS IN HIGHER TECHNICAL EDUCATION FIELDS (IN THE EXAMPLE OF ENGLISH LANGUAGE) ........ 566-570

*Muqimova Fotima Abduqaxor qizi, Muqimova Zuxra Abduqahor qizi*
CHIZMACHILIK DARSLARIDA O‘QUVCHILARNING GRAFIK SAVODXONLIGINI RIVOJLANTIRISHDA O‘YINLI TEXNOLOGIYALADAN FOYDALANISHNING AFZALLIKLARI ........ 571-576

*Sulaymanova Dildora Nazarovna, Giyasova Shaxnoza Abdurafikovna*
BO‘LAJAK O‘QITUVCHILARNING KREATIV TAFAKKURINI LOYIHAGA ASOSLANGAN O‘QITISH VOSITASIDA RIVOJLANTIRISH MODELI ........ 577-585

*Usmonova Matluba Nosirovna*
O‘QUVCHILARDA MILLIY VA UMUMINSONIY QADRIYATLARNI TARBIYALASH METODIKASINING KREATIV PEDAGOGIK YONDASHUVI ........ 586-590

*Ustaev Abdurazzoq Qurbonovich*
MILLIY KURASH SPORT TURINING FUNKSIYALARI VA MAQSADGA ERISHISHDAGI VOSITALARI ........ 591-596

*Shoimqulova Nigina Xolmurodovna, Yadigarova Sitora Bahromovna*
ADDRESSING CHALLENGES IN TEACHING ENGLISH IN CENTRAL ASIAN COUNTRIES: A SCHOLARLY EXAMINATION ........ 597-603

*Yeshanov Marat Urazaliyevich*
INGLIZ TILINI O’QITISHDA BO’LAJAK CHET TILI O’QITUVCHILARINING KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYASINI TAKOMILLASHTIRISHDA PRAGMATIKANING AHAMIYATI LANGUAGE) ........ 604-616

*Tursunova Shahnoza Bekchanovna*
JAMOATCHILIK FIKRINI SHAKLLANTIRISHDA JAMOATCHILIK BILAN ALOQALARNING O'RNATISH ........ 617-622

*Atoyeva Gulshoda Rabimovna*
OILADAGI ZO'RAVONLIKNING O'SMIR XULQIGA PSIXOLOGIK TA'SIRI ........ 623-628

*Musinova Ruxshona Yunusovna, Qurbonova Aziza Davlat qizi*
JABRLANUVCHI SINDROMI, UNING ASOSIY SABABLARI VA BELGILARI ........ 629-635

*Jamolova Mokhigul Bakhtiorovna*
METHODS OF DEVELOPING THE CRITICAL THINKING ABILITY OF PRIMARY CLASS STUDENTS THROUGH FAIRY TALES ........ 636-641

SCIENCE PROBLEMS.UZ

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. -№ 3 (4) - 2024
ISSN: 2181-1342 (Online)
https://scienceproblems.uz

## 08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

**Алимханова Нигора Алимхановна**
Катта ўқитувчи, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

# ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Аннотация.** Мазкур мақолада товар-моддий захиралар аудитини режалаштириш, ички назорат тизимини ўрганиш ҳамда баҳолаш, риск даражасини аниқлаш, муҳимлик даражасини белгилаш, таҳлилий амалларни қўллаш, аудиторлик далилларини тўплаш, тугатиш ва қайта кўриб чиқиш каби жараёнлар бўйича иқтисодий олимларнинг фикрлари ўрганилган ҳамда товар-моддий захиралар аудитини ташкил қилиш ва ўтказишда аудитнинг халқаро стандартлари талаблари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар.** Товар-моддий захиралар, аудитнинг халқаро стандартлари, молиявий ҳисобот, аудит риски, муҳимлик даражаси, ички назорат тизими, таҳлилий амаллар, моҳияти бўйича аудит амаллари, назорат тестлари.

**Alimkhanova Nigora**
Senior Lecturer, Karshi Engineering-Economics Institute

# IMPROVING OF INVENTORY AUDIT

**Abstract.** This article discusses the opinions of academic economists on such processes as planning an inventory audit, research and assessment of the internal control system, determining the level of risk, determining the level of significance, analytical procedures, collecting audit evidence, completing and verifying an audit of inventory. When organizing and conducting an audit, the requirements of international auditing standards have been developed.

**Key words.** Inventories, international standards of auditing, financial reporting, audit risk, materiality, internal control system, analytical procedures, substantive audit procedures, control tests.

**Алимханова Нигора Алимхановна**
Старший преподаватель,
Каршинский инженерно-экономический институт

# СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ АУДИТА ТОВАРНО-МАТЕРИАЛЬНЫХ ЗАПАСОВ

**Аннотация.** В данной статье рассмотрены мнения ученых-экономистов о таких процессах, как планирование аудита товарно-материльных запасов (ТМЗ), исследование и оценка системы внутреннего контроля, определение уровня риска, определение уровня значимости, аналитические процедуры, сбор аудиторских доказательств, завершение и проверка, аудита ТМЗ. При организации и проведении аудита разработаны требования международных стандартов аудита.

**Ключовые слова.** Запасы, международные стандарты аудита, финансовая отчетность, аудиторский риск, уровень существенности, система внутреннего контроля, аналитические процедуры, процедуры аудита по существу, контрольные тесты.

DOI: https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI1Y2024N06

**Кириш.** Хўжалик юритувчи субъектларда товар-моддий захиралар аудитини ўтказишда молиявий ҳисоботлар билан боғлиқ бир қатор муҳим жиҳатларни инобатга олиш зарур. Товар-моддий захиралар ҳисобини аудиторлик текширувидан ўтказишдан асосий мақсад молиявий ҳисоботларда товар-моддий захиралар билан боғлиқ маълумотларнинг тўғрилигини ҳамда ишончлилигини баҳолашдан иборат. Молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини мустаҳкамлашда товар-моддий захиралар бўйича ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини ҳамда ҳаққоний акс эттирилганлигини текшириш муҳим аҳамиятга эга. Товар-моддий захиралар бўйича бухгалтерия ҳисобида мавжуд ички назорат тизимининг қай даражада эканлигини ўрганиш ҳамда баҳолаш, хусусан, аудиторлик текширувида товар-моддий захиралар ҳисобининг ишончлилиги тўғрисида хулосаларни ҳаққоний ва тўғри шакллантириш натижасида молиявий ҳисоботлардан ички ва ташқи фойдаланувчиларни етарли ҳамда ишончли ахборотлар билан таъминлашга имкон яратади. Шунингдек, товар-моддий захиралар аудитини тўғри режалаштириш ҳамда ташкил этиш орқали хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳамда субъект фаолиятини назорат қилишда аҳамиятга эга. Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, товар-моддий захиралар аудитини аудитнинг халқаро стандартлари талаблари асосида ўтказиш ҳамда такомиллаштириш орқали хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг молиявий ҳисоботларга бўлган ишончини ошириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

**Адабиётлар шарҳи.** Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ташкил этишда асосан муайян объектнинг бизнес хусусиятига кенгроқ эътибор қаратилишини инобатга олган ҳолда бир қатор иқтисодчи олимлар ўзларининг фикрлари ҳамда ёндашувларини келтириб ўтган.

Масалан, иқтисодчи олим И.Н.Богатая “даврий ёндашув ва объектга йўналтирилган элементларни ўз ичига олган жараёнли-объектли ёндашувнинг қўлланилиши мақбул ҳисобланади” [1] деган фикрни илгари сурган.

Россиялик етук иқтисодчи олимлар А.Д.Шеремет ҳамда В.П.Суйц фикрича, “даврий жараённи қўллашни тавсия этиб, унинг асоси аудит ўтказилаётган ташкилотнинг молиявий- иқтисодий фаолияти, бухгалтерия ҳисобида фойдаланилувчи тизим, ички аудит ва ҳужжат айланиши жадвалини ифодаловчи сегментларни ажратиш ҳисобланади” [2].

Яна бир олимлар гуруҳи О.В.Ковалева ва Ю.П.Константинов ўз илмий асарларида “аудиторлик текширувини тайёрлаш, аудитни режалаштириш, аудит амалларини бажариш, аудит натижаларини расмийлаштиришдан иборат тўрт босқичдан фойдаланиш” [3] бўйича фикрларини ёритиб берганлар.

Шунингдек, иқтисодчи В.А. Ерофеева, В.А. Пискунов ҳамда Т.А. Битюковалар ўзларининг иқтисодий илмий асарларида “аудиторлик текширувининг уч босқичи: режалаштириш (дастлабки босқич), аудит далилларини йиғиш (иш босқичи), аудитни якунлаш (якуний босқич)ни” [4] таклиф этган.

Яна бир америкалик иқтисодчилар гуруҳининг фикрича, “товар-моддий захиралар аудитида кўпгина усуллар қўлланилади. Бироқ товар-моддий захиралар аудитида энг самарали усул инвентаризация бўлиб, мазкур жараён бевосита аудиторнинг иштирокида ўтказилиши лозим” [5].

Хорижий иқтисодчи олимлардан Х.Ви, Х.Ванг ва Ю.Янгларнинг илмий тадқиқот ишларида, “товар-моддий захиралар жорий активларнинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади ва аудиторлик текширувларининг асосий объекти сифатида аудиторнинг хизмат ҳақини белгилашда асосий омил ҳисобланади” [6].

Маҳаллий иқтисодчи олимлар ҳам аудиторлик текширувлари босқичларини текширув объекти нуқтаи назаридан ўзларининг илмий ишларида келтириб ўтган.

Жумладан, иқтисодчи олим, профессор И.Н.Қўзиев аудитни 4 та босқичга ажратган: “бошланғич босқич, аудитга тайёргарлик босқичи, аудиторлик текширувини амалга ошириш босқичи, аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштириш босқичи” [7].

Етук иқтисодчи олим, профессор А.Авлокулов ҳам ўз тадқиқот ишларида аудиторлик текширувида асосан 4 асосий босқич мавжудлиги таъкидлаган: “аудиторлик текширувини режалаштириш ва ташкил этиш; хўжалик муомалаларини текшириш; ҳисоботнинг алоҳида моддаларини текшириш; аудиторлик текширувини якунлаш” [8].

Иқтисодчи олим М.И.Хайитбоев ҳам ўзининг илмий тадқиқот ишларида “аудиторлик текширувларини тўртта босқичдан иборат бўлиши керак деган хулосага келган: режалаштириш, ички назорат тизими (ИНТ)ни баҳолаш, аудиторлик далилларини тўплаш, текширув натижаларини умумлаштириш ва якуний ҳужжатни шакллантириш учун маълумот тайёрлаш” [9].

Юқорида келтирилган иқтисодчи олимларнинг фикрларини умумлаштирган ҳолда ҳамда илмий тадқиқотларимиз натижасида хулоса қилиб, биз аудиторлик текширувини ўтказиш ҳамда товар-моддий захиралар аудитини аудиторлик текширувининг мақсади, турлари ҳамда текширув кўлами нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда 6 босқични ўз ичига олган ёндашувни таклиф этамиз. Жумладан, аудиторлик текширувидан олдинги топшириқлар босқичи, аудиторлик текширувини режалаштириш босқичи, ички назорат тизимини баҳолаш, моҳияти бўйича аудит амаллари босқичи, аудиторлик далилларини тўплаш, аудиторлик хулосасини шакллантириш, кузатиш босқичи, тугатиш ва қайта кўриб чиқиш каби босқичларни аудиторлик текширувида қўллаш орқали текширувнинг самарали бўлиши таъминланади. Шунингдек, текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботлари тўғрисидаги ахборотларнинг ишончлилигини ҳамда ҳаққонийлигини оширишга хизмат қилади.

**Таҳлил ва натижалар.** Товар-моддий захиралар аудитини ўтказиш пайтида аудиторлар ўз олдига бир қатор вазифаларни белгилаб олишлари мақсадга мувофиқ. Улар қуйидагилардан иборат:

- текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг бизнес хусусияти, товар-моддий захираларнинг ҳаракати ва уларни бошқариш жараёнлари ҳақида кенг қамровли тушунчаларга эга бўлиш;
- товар-моддий захиралар билан боғлиқ рискларни баҳолаш, хусусан, товар-моддий захиралар бўйича маълумотларнинг тўғрилиги, активларнинг мавжудлиги, бутлиги, тўлиқлиги ҳамда аниқлиги билан боғлиқ рискларни баҳолаш ва таҳлил қилиш;
- текширилаётган субъектнинг товар-моддий захиралар ҳаракати билан боғлиқ ички назорат тизими самарадорлигини ўрганиш ҳамда баҳолаш, жумладан,

товар-моддий захираларни кирими ва чиқимини бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилишини қай даражада назорати йўлга қўйилганлигини ўрганиш;

- товар-моддий захиралар миқдорининг молиявий ҳисоботларга таъсирини ҳамда аҳамиятини аниқлаш учун муҳимлик чегараларини белгилаш;
- товар-моддий захираларни инвентаризация қилиш бўйича батафсил режа тузиш ва ўтказиш бўйича масъул аудиторларни белгилаш, шунингдек, инвентаризация натижаларини тўғри расмийлаштирилишини назорат қилиш;
- танлаш тўпламини аниқлаш ва аудиторлик танлашни ўтказиш ҳамда натижаларини ҳужжатлаштириш;
- товар-моддий захиралар ҳисобида мавжуд бўлган ноодатий операциялар ҳамда товар-моддий захираларнинг ўзгаришларини аниқлаш мақсадида таҳлилий амалларни қўллаш;
- товар-моддий захираларни баҳолаш усулларини мақсадга мувофиқлигини ҳамда тўғри баҳоланганлигини текшириш;
- товар-моддий захираларнинг кирими ҳамда чиқими бухгалтерия ҳисобида ўз вақтида ва тўғри акс эттирилганлигини текшириш;
- товар-моддий захираларнинг кирими ҳамда чиқимига доир бухгалтерия ҳисобининг бирламчи ҳужжатларини текшириш;
- товар-моддий захиралар ҳисобини расмийлаштиришдаги номувофиқликларни тўғрилаш бўйича тавсиялар бериш;
- ҳисобот санасидан кейин товар-моддий захираларни баҳолашга ёки мавжудлигига таъсир қилиши мумкин бўлган кейинги ҳодисаларни кўриб чиқиш;
- товар-моддий захиралар тўғрисидаги молиявий ҳисоботлар маълумотларининг тўғрилиги ва тўлиқлиги бўйича раҳбариятдан ёзма баёнотлар олиш;
- хўжалик юритувчи субъектнинг товар-моддий захираларини баҳолашда жалб этилган экспертлар ишини баҳолаш;
- товар-моддий захиралар аудитида қўлланилган аудит амаллари, тўпланган аудиторлик далиллари ҳамда хулосаларни шакллантиришдаги ҳар бир жараёнларни ҳужжатлаштириш.

Юқорида келтирилган вазифаларни тизимли ҳамда тартибли равишда бажариш орқали аудиторлар молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчи манфаатдор томонларга молиявий ҳисоботда акс эттирилган товар-моддий захиралар бўйича маълумотларнинг ишончлилигини оширади ҳамда аудиторлик текширувининг самарали бўлишига имконият яратиб беради.

Товар-моддий захиралар аудитини режалаштиришнинг асосий мақсади корхонанинг товар-моддий захиралари аудитини ўтказишнинг кенг қамровли ва самарали стратегиясини тузиш ва тайёрлашдан иборат. Мазкур режалаштириш жараёни аудиторлар учун аудитнинг самарали, оқилона ва аудит стандартларига мувофиқ ўтказилишини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, аудиторлик текширувида товар-моддий захиралар ҳисобида мавжуд бўлиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатиш рискини баҳолаш, жумладан товар-моддий захираларнинг кирими ва чиқимига доир бухгалтерия ёзувлари билан боғлиқ рискларни аниқлаш ҳамда баҳолаш лозим.

Аудиторлар текширув вақтида текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг бизнес хусусияти, молия-хўжалик операциялари ва товар-моддий захираларни бошқариш ва уларнинг ҳаракати билан боғлиқ жараёнлар ҳақида тўлиқ маълумот ва тасаввурга эга бўлиши лозим. Мазкур маълумотлар асосида аудиторлар аудитнинг халқаро стандартлари талабларини хўжалик юритувчи субъектнинг ўзига хос хусусиятларига мослаштириб олишлари учун муҳимдир. Шу билан бирга, молиявий ҳисоботларда мавжуд муҳим аҳамиятга эга бўлган нотўғри маълумотлар даражасини аниқлаш учун товар-моддий захираларга тегишли муҳимлик чегараларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ. Мазкур муҳимлик чегараси аудиторларга молиявий ҳисоботга жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган маълумотларни тўлиқроқ текширишни тақозо этади.

Товар-моддий захиралар аудитини режалаштиришда аудит стратегияси ва дастурини тузиш орқали аудиторлик текширувида қўлланиладиган аудит амалларини белгилаб олинади шунингдек, текширув бўйича аниқ хулосаларни шакллантиришга асос бўлади. Мазкур режалаштириш жараёнида аудиторлар гуруҳини тўғри шакллантириш ҳамда товар-моддий захиралар аудитини ўтказиш бўйича масъул аудиторларни бажарадиган ишларини тўғри тақсимлаш муҳим аҳамиятга эга.

Умуман олганда, хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини самарали ҳамда тўғри ташкил этиш шу жумладан, аудитнинг халқаро стандартлари талаблари асосида аудиторлик текширувларини ташкил қилиш ҳамда ўтказиш босқичлари қуйидаги 1-расмда тўлиқ ёритиб берилган.

Қуйидаги расмда келтирилган босқичлар хўжалик юритувчи субъектларда ташкил қилинадиган аудиторлик текширувларининг хусусиятига, соҳага ва шартноманинг ўзига хос талабларига қараб бирмунча фарқ қилиши мумкин. Бундан ташқари, аудиторлик текширувининг умумий жараёнлари такрорланади ва турли бизнес хусусиятга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисобот маълумотлари ўзгаришини инобатга олган ҳолда, аудиторлар олдинги босқичларни қайта кўриб чиқишлари лозим ҳисобланади.

Аудиторлик хизматлари бозорида фаолият юритаётган аудиторлик ташкилотлари янги мижозни қабул қилиш ёки мавжуд мижоз билан давом этиш тўғрисидаги қарор аудит жараёнида ҳал қилувчи босқичлардан биридир. Аудиторлик ташкилоти раҳбари аудиторлик ташкилоти ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тегишли тартибда шартнома тузиш давомида мустақиллик, ҳалоллик ва холислик тамойилларига тўлиқ амал қилишлари лозим ҳисобланади сақлаб қолиш учун турли омилларни диққат билан баҳолаши керак. Аввало, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш ҳамда муҳим молиявий муаммолар хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик хизматлари учун тўлаш қобилиятига таъсир қилиши ёки уларнинг фаолиятини давом эттириш қобилиятига шубҳа туғдириши мумкинлигини аниқлаш лозим.

Аудиторлик текширувларида хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳажми ва мураккаблигини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, кичикроқ хўжалик юритувчи субъектлар операциялар ҳажми камроқ бўлиши мумкин, катта структурали хўжалик юритувчи субъектлар эса кенгроқ ва кўпроқ аудит амалларини қўллашни талаб қилиши мумкин.




**1-расм. Аудиторлик текширувини ташкил қилиш ҳамда ўтказиш босқичлари**[1]

[1] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Аудиторлик ташкилотининг хизматларидан мунтазам равишда фойдаланиб келаётган хўжалик юритувчи субъектлар билан такрорий аудиторлик текширувини ташкил қилишда аудиторлик ташкилоти қуйидагиларни инобатга олишлари зарур:

- текширилаётган хўжалик юритувчи субъектда олдинги аудиторлик текширувлари натижаларини таҳлил қилиш лозим, жумладан, агар хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятида муҳим ўзгаришлар мавжудлиги кўзга ташланса, аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишда инобатга олиш зарур;
- олдинги аудиторлик текшируви якунларига кўра хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига тақдим этилган молиявий ҳисоботлардаги мавжуд муҳим бузиб кўрсатиш ҳолатлари бўйича тўлиқ тузатишлар киритилганлигини кўздан кечириш лозим;
- олдинги аудиторлик текширувида хўжалик юритувчи субъект томонидан аудиторларга молиявий ҳисоботлардаги суммаларни асословчи аудиторлик далиллари ўз вақтида ҳамда етарли даражада етказиб берилганлигини инобатга олиш;

Умуман олганда, хўжалик юритувчи субъектлар билан аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича таклифини қабул қилишда юқорида келтирилган омилларни инобатга олиши ҳамда аудитнинг асосий тамойилларини қўллаган ҳолда аудиторлик текширувини ўтказиши зарур.

Хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини якунлаш ва қайта кўриб чиқиш босқичи аудиторлар текширув давомида қўллаган таҳлилий амалларини якунлайдиган ва умумий аудит топшириғини кўриб чиқадиган якуний босқич ҳисобланади. Ушбу босқич аудиторлик текширувининг аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилганлигини таъминлаш ва аудитор молиявий ҳисоботлар бўйича тўғри тасдиқланган фикрни тақдим этиши учун жуда муҳимдир. Мазкур жараёнда аудиторлик текширувининг якунлаш ва қайта кўриб чиқиш бўйича бир қатор аудит амаллари босқичма-босқич қўлланилади (2-расм). Қуйида келтирилган расмдан кўриниб турибдики, аудиторлик текширувини якунлаш ҳамда қайта кўриб чиқиш босқичи хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботлари бўйича ишончни таъминлаш ҳамда аудиторлик текширувининг яхлитлиги ва сифатини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Тугатиш ва қайта кўриб чиқиш жараёнидаги зарур таҳлилий амаллар ва тартиб-қоидалар бажарилганлигини, тегишли далиллар олинганлигини ва аудиторлик ҳисоботида аудит натижаларини тўғри акс эттирилишини таъминлайди. Аудиторлар аудиторлик текшируви давомида бажарилган барча аудиторлик ишларини ҳар томонлама текширишади.

Бунга аудиторлик ҳужжатларини, ишчи ҳужжатларини ва аудит давомида тўпланган аудиторлик далилларни текшириш киради. Хусусан, аудиторлар олинган аудиторлик далилларининг етарлилиги ва мақсадга мувофиқлигини баҳолаши лозим. Аудиторлик далилларининг шакллантирилган аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини тасдиқлаётганлигига ишонч ҳосил қилишлари зарур.

Шунингдек, аудиторлик текширувининг якуний босқичида молиявий ҳисоботларда аниқланган муҳим бузиб кўрсатиш рискларини бартараф этиш ҳамда аудит мақсадларига эришиш учун адекват ва мақсадга мувофиқлигини тасдиқлаш учун амалга оширилган аудит таҳлилий амалларини тўғри қўлланилганлигини қайта кўриб чиқиш лозим. Шунингдек, аудиторлик ҳисоботида келтирилган молиявий

ҳисоботлардаги номувофиқликларни тузатиш бўйича аудиторнинг таклиф ва тавсияларини ўз вақтида хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти билан келишилган ҳолда тўғриланганлигини қайта текшириб чиқиш мақсадга мувофиқ.




**2-расм. Аудиторлик текширувини тугатиш ва қайта кўриб чиқиш босқичининг тавсифи**[1]

Аудитнинг якуний қисмида кўриб чиқилиши лозим бўлган жараёнлардан бири бу молиявий ҳисобот санасидан кейинги содир бўлган ҳодисалардир. Молиявий ҳисобот санасидан кейин, лекин аудиторлик хулосаси расмийлаштирилишидан олдин содир бўлиши мумкин бўлган кейинги ҳодисаларни кўриб чиқишда, уларнинг молиявий ҳисоботларга таъсирини баҳолаш ҳамда лозим топилган ҳолларда мазкур маълумотларни ошкор қилишлари ва аудиторлик хулосасига таъсирини тўлиқ ўрганиб чиқишлари талаб этилади. Сўнгра аудиторлик ҳисоботининг якуний шаклини расмийлаштириб хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг келишувига тақдим этиш лозимдир.

Аудиторлик ҳисоботи асосида якуний аудиторлик хулосаси тайёрланади ҳамда расмийлаштирилади. Мазкур аудиторлик хулосасининг шаффоф, ишончли ҳамда адолатли тузилганлиги ва хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига тақдим этилганлиги молиявий ҳисоботларнинг ишончлилик даражасини оширишга хизмат қилади. Мазкур аудиторлик ҳисоботи ҳамда аудиторлик хулосаси юзасидан хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга

[1] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

олган ҳолда молиявий ҳисоботлар аудити бўйича тузилган аудиторлик ҳисоботи ва хулосасида келтирилган маълумотлар тўлиқ ёритиб берилади.

**Хулоса.** Товар-моддий захиралар аудити аудиторлик текширувининг энг муҳим элементларидан биридир. Шу сабабли аудиторлик текширувида товар-моддий захиралар ҳисобини ўрганиш, текшириш ва баҳолашда аудиторлардан юқори билим, тажриба ва профессионал мулоҳаза талаб этилади. Шунингдек, товар-моддий захиралар аудитини режалаштириш, ўтказиш ҳамда хулосаларни шакллантириш жараёнларини аудитнинг халқаро стандартлари талаблари асосида ташкил қилиш ва аудит амалларини бажариш орқали маҳаллий амалиётда аудиторлик текширувларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Мазкур мақолада аудиторлик текширувларини ташкил қилиш, хусусан, товар-моддий захиралар аудити бўйича илмий тадқиқотларни ўрганиш натижасида қуйидаги хулосалар ишлаб чиқилди:

Даставвал, товар-моддий захиралар аудитининг мақсадига мос равишда товар-моддий захираларни аудиторлик текширувидан ўтказишнинг аниқ вазифалари ишлаб чиқилди, жумладан, текшириладиган хўжалик юритувчи субъектларнинг товар-моддий захираларини молиявий ҳисоботларда акс эттиришнинг дастлабки текширувларини ташкил қилиш ва ўтказиш жараёнларида аудиторлар томонидан амалга бажариладиган амаллар муҳим аҳамиятга эга эканлиги асослаб берилди.

Фикримизча, аудиторлик текширувларини самарали ҳамда оқилона ташкил қилиш кўп жиҳатдан аудиторлик текширувини ташкил қилиш босқичларига бевосита боғлиқдир. Шу сабабли, аудиторлик текширувларини аудитнинг халқаро стандартлари талаблари асосида ташкил қилиш ҳамда ўтказиш босқичлари ишлаб чиқилди. Мазкур босқичларда хўжалик юритувчи субъектларнинг турли бизнес хусусиятларини инобатга олган ҳолда аудитнинг халқаро стандартларида келтирилган барча жараёнлар ёритиб берилди. Аудиторлик текширувларида ушбу босқичларни кетма-кетликда ҳамда тизимли фойдаланилганда, аудиторлик текширувининг самарали, ишончли ҳамда шаффоф тарзда ташкил этилиши ва ўтказилиши таъминланади. Шунингдек, молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда ушбу босқичларни оқилона қўллаш орқали аудит рискини минималлаштиришга ҳамда аудиторлик хулосаларининг ишончлилик даражасини оширишга эришилиши асослаб берилган.

Аудиторлик текширувларини ўтказиш босқичларидан энг муҳими сифатида танлаб олинган тугатиш ва қайта кўриб чиқиш босқичида бажариладиган аудит амаллари кетма-кетлиги ишлаб чиқилди. Жумладан, аудиторлик текширувининг якуний босқичида аудитор томонидан текширув давомида қўлланган усуллар ва шаклларнинг якуний таҳлили, тўпланган аудиторлик далилларининг ишончлилигини баҳолаш, таҳлилий амалларнинг тўғри қўлланилганлигини баҳолаш, молиявий ҳисобот санасидан кейинги ҳодисаларнинг молиявий ҳисоботларга ва аудиторлик хулосасига таъсирини кўриб чиқиш каби муҳим жараёнлар ёритиб берилди. Мазкур жараёнларни тўғри ва ҳаққоний қўллаш натижасида хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудити бўйича аудиторлик хулосасини тўғри ва ишончли тузишга имкон яратади. Шунингдек, аудиторлик текшируви давомида аниқланган аудиторлик риски даражасини янада камайишига замин яратади.

**Адабиётлар/Литература/References:**


1. Хахонова, Н.Н., Богатая И.Н. Аудит: учебник. – М.: КНОРУС, 2011. – С.206-211.
2. Шеремет А.Д., Суйц. В.П. Аудит: Учебник. - 2-е изд., доп. и перераб. -М.: ИНФРА-М, 2000. – С.255.
3. Ковалева О.В., Константинов Ю.П. Аудит: Учебное пособие. /Под ред. О.В. Ковалевой. – М.: Издательство ПРИОР, 2002. – С. 51.
4. Ерофеева В.А., Пискунов В.А., Битюкова Т.А. Аудит: учеб. пособие. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Юрайт : Высшее образование, 2011. – С.138.
5. Andrew Gross, Jamie Hoelscher, Brad J. Reed, Gregory E. Sierra. The new nuts and bolts of auditing: Technological innovation in inventorying inventory. // Journal of Accounting Education. Volume 52, September 2020, 100679
6. Xi Wu, Xueqin Wang, Yulong Yang. The puzzling association between inventory and auditor pricing in China. // China Journal of Accounting Research. Volume 11, Issue 4, December 2018, Pages 351-366.
7. Қўзиев И.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. Тошкент-2017. -70 б.
8. Авлокулов А.З. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида инвестицион мулк ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. Монография. –Т.: Тошкент Молия институти, 2008. 160 б.
9. Ҳайитбоев М.И. Дон маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарда товар-моддий захиралар ҳисоби ва аудити: назария, методология ва амалиёт. Монография. –Т.: Lesson-press, 2022. 140 бет.

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SPR1342V4I3Y2024

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 3 (4) – 2024*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).